

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2018 йил 28 сентябрдаги Қарорига
ИЛОВА

Ишлаб чиқариш ҳисобини шакллантириш бўйича
услугий низом

Мазкур ишлаб чиқариш ҳисобини шакллантириш бўйича услубий низом (кейинги ўринларда – Услугий низом) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқариш ҳисобини шакллантиришни тартибга солади. Услугий низомнинг концептуал асосини “Миллий ҳисоблар тизими – 2008” (кейинги ўринларда – МҲТ 2008) ташкил этади.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Услугий низомда қуйидаги асосий терминлар ва уларнинг таърифларидан фойдаланилади:

миллий ҳисоблар тизими (МҲТ), мамлакатнинг иқтисодий фаолияти натижаларини ифодаловчи ҳисоблар ва жадвалларнинг муайян тўплами шаклида тузилган, бир-бири билан узвий боғланган статистик кўрсаткичлар тизимини ўзида акс эттиради;

ҳисоб ресурслар ва уларнинг ишлатилишини тавсифловчи иккита кўрсаткичлар мажмуини ўз ичига олган жадвал бўлиб, унда ресурслар ва уларнинг ишлатилиши ҳажмлари орасидаги тенглик мувозанатловчи моддалар ёрдамида таъминланади;

институционал бирлик – ўз номидан активларга эга бўла оладиган, мажбуриятлар оладиган, бошқа бирликлар билан иқтисодий фаолият ва операцияларни амалга ошира оладиган хўжалик юритувчи субъектдир. Институционал бирликнинг иқтисодий манфаатлари маркази узоқ (бир йилдан кам бўлмаган) муддат давомида маълум бир мамлакатнинг иқтисодий ҳудудида тўпланган бўлса, ушбу мамлакатнинг резиденти ҳисобланади;

иқтисодиётнинг институционал сектори – иқтисодиётда бажарадиган вазифалари ва молиялаштириш манбалари бир хил бўлган институционал бирликларнинг мажмуи бўлиб, уларнинг иқтисодий фаолиятини ўхшаш бўлишини талаб қилади;

номолиявий корпорациялар сектори – асосий вазифаси бозорда сотиш ва фойда олиш мақсадида бозорбоп товарларни ишлаб чиқариш ҳамда номолиявий хизматлар кўрсатиш ҳисобланган институционал бирликлар;

молиявий корпорациялар сектори – молиявий воситачилик билан банд бўлган ва унга

боғлиқ ҳолда кўрсатиладиган бошқа молиявий хизматларни тижорат асосида тақдим этадиган институционал бирликлар;

давлат бошқаруви сектори – якка тартибдаги ёки жамоавий истеъмол учун асосан нобозор хизматлар кўрсатадиган (ёки товарлар ишлаб чиқарадиган), шунингдек даромадларни қайта тақсимлайдиган институционал бирликлар. Ушбу бирликларнинг маблағлари бошқа секторларга тегишли бўлган институционал бирликлар томонидан тўланадиган солиқлар ва ажратмалар, шунингдек мулкдан олинадиган даромадлар ҳисобига шаклланади;

уй хўжаликлари сектори асосий вазифалари ишчи кучи таклифи ва якуний истеъмол, шунингдек сотиш ва ўзи фойдаланиш учун товарлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш бўлган барча резидент уй хўжаликларини ўз ичига олади;

уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар (УХХКНТ) сектори – уй хўжаликларига нобозор хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган (жамоат бирлашмалари, ижодий ва касаба уюшмалари, диний ташкилотлар, хайрия жамғармалари; алоҳида балансга эга бўлган ва соғлиқни сақлаш, таълим, маданият тизимида хизмат кўрсатувчи юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари), асосий ресурс манбаси ташкилот маблағлари, улар аъзоларининг бадаллари ҳисобланадиган институционал бирликлар;

ишлаб чиқариш, ҳисобот даврида резидент-бирликларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси бўлиб, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг умумий қийматини ўзида акс эттиради;

оралиқ истеъмол, ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар сифатида истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қийматини ўзида акс эттиради, асосий капитал истеъмоли сифатида акс эттириладиган асосий фондлар истеъмоли бундан мустасно;

ялпи қўшилган қиймат, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади;

ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний истеъмол учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МҲТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир;

маҳсулотларга солиқлар – резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда товар ёки хизматнинг бир бирлигига солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради;

махсулотларга субсидиялар – давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар);

махсулотларга соф солиқлар – махсулотлар учун субсидияларни чегириб ташлаган ҳолда, товар ва хизматларни сотиш нархларига киритилувчи махсулотлар учун солиқлар;

асосий капитал истеъмоли – ишлаб чиқарувчилар фойдаланадиган ва уларга тегишли бўлган асосий фондлар захираларининг жорий қийматини ҳисобот даври давомида жисмоний эскириш, меъёрий маънавий эскириш ёки тасодифий зарарланиш натижасида камайиши;

иқтисодий аҳамиятга эга нархлар – ишлаб чиқариш харажатларини қопловчи ва нормал фойдани таъминловчи бозор нархларидир. Бу нархлар ишлаб чиқарувчилар етказиб бермоқчи бўлган ва истеъмолчилар сотиб олмақчи бўлган махсулотлар миқдорига сезиларли таъсир кўрсатади;

сотиб олиш нархи – сотиб олувчи томонидан белгиланган вақтда ва белгиланган жойга етказиб берилган товар ёки хизмат бирлиги учун тўланадиган нарх. У товарни етказиб бериш бўйича савдо-воситачилик ва транспорт харажатларини, шунингдек, сотиб олувчи томонидан тўланадиган махсулотларга солиқларни ўз ичига олади, аммо махсулотларга субсидияларни ва чегириб ташланадиган қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) ўз ичига олмайди;

асосий нарх – ишлаб чиқарувчи томонидан харидордан товар ёки хизматлар бирлиги учун олинishi лозим бўлган, махсулот ишлаб чиқарилиши ёки сотилиши натижасида тўланиши лозим бўлган ҳар қандай солиқни айириб, олинадиган ҳар қандай субсидияларнинг қўшилганига тенг бўлган нарх. У ишлаб чиқарувчи томонидан ҳисобварақ-фактураларда алоҳида кўрсатиладиган ҳар қандай транспорт харажатларини ўз ичига олмайди.

2. Ишлаб чиқариш ҳисобининг тузилиши

2. МХТда ишлаб чиқариш ҳисоби асосий ўринни эгаллайди, чунки у жорий операциялар ҳисоблари ичида биринчи ҳисоб саналади ва уни тузиш услубияти барча кейинги ҳисобларни тузиш услубиятини маълум даражада белгилаб беради.

3. Ишлаб чиқариш ҳисоби махсулот ишлаб чиқариш натижаларини ҳамда ушбу махсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда фойдаланилган товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун харажатларни тавсифлайдиган иқтисодий операцияларни қамраб олади. Ушбу ҳисобда иқтисодиёт ривожланишининг энг муҳим умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлган ялпи ички махсулотни ҳисоблашнинг асосини ташкил этадиган қўшилган қиймат аниқланади.

4. Ишлаб чиқариш ҳисоби МХТнинг барча ҳисоблари каби икки ёқлама ёзув тамойилига мувофиқ тузилади: ишлаб чиқариш ҳисобининг ресурслар қисмида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, махсулот учун субсидияларни чегириб ташлаган ҳолда

маҳсулотларга солиқлар акс эттирилади; ишлатилиши қисмида эса оралиқ истеъмол ва мазкур ҳисобнинг мувозанатловчи моддаси, яъни ишлаб чиқариш ва оралиқ истеъмол орасидаги фарқ сифатида аниқланадиган ялпи қўшилган қиймат акс эттирилади.

5. Ишлаб чиқариш ҳисоби бутун иқтисодиёт учун (ишлаб чиқариш жамлама ҳисоби) ушбу Услубий низомнинг 1-иловасига мувофиқ келтирилган схемага биноан, шунингдек иқтисодиётнинг институционал секторлари бўйича (2-илова) ва иқтисодий фаолият турлари бўйича (3-илова) тузилади.

6. Ишлаб чиқариш ҳисобининг бутун иқтисодиёт даражасидаги мувозанатловчи моддаси ЯИМ ҳисобланади, у қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{ЯИМ} = \text{ИЧ} + \text{МС}_1 - \text{МС}_2 - \text{ОИ},$$

бу ерда, **ИЧ** – асосий нархлардаги товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш;

МС₁ – маҳсулотларга солиқлар;

МС₂ – маҳсулотларга субсидиялар;

ОИ – сотиш нархларидаги оралиқ истеъмол.

7. Ишлаб чиқариш ҳисоби иқтисодиётнинг қуйидаги институционал секторлари бўйича шакллантирилади:

- номолиявий корпорациялар;
- молиявий корпорациялар;
- давлат бошқаруви;
- уй хўжаликлари;
- уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар.

8. Ишлаб чиқариш ҳисобини иқтисодий фаолият турлари бўйича тузиш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (кейинги ўринларда – ИФУТ-2) дан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

9. Ишлаб чиқариш ҳисобини бутун иқтисодиёт ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тузиш ЯИМни ишлаб чиқариш усулида чораклик ва йиллик асосда шакллантириш бўйича ишлар доирасида, институционал секторлар бўйича эса Давлат статистика ишлари дастурида кўзда тутилган муддатларда йиллик асосда амалга оширилади.

10. Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳисоби кўрсаткичларини, яъни ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол ва ялпи қўшилган қийматни иқтисодий фаолият турлари ва институционал секторлар бўйича кесишган тартибда гуруҳлаш 4-иловага кўра келтирилган схемага мувофиқ йиллик асосда амалга оширилади.

3. Ишлаб чиқариш ҳисоби кўрсаткичларини шакллантиришнинг умумий тамойиллари

11. Ишлаб чиқариш ҳисоби ишлаб чиқариш натижаларининг тавсифи ва таҳлили учун мўлжалланган. Ишлаб чиқариш, ҳисобнинг ресурслар қисмида қайд этилади, у ўзида ишлаб чиқариш натижаларини ҳисоблашдаги бошланғич нуқтани, яъни мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган барча товарлар ва хизматларнинг қийматини акс эттиради.

12. Ишлаб чиқариш бозор нархларида сотилган товарлар ва хизматлар, ўз истеъмоли (якуний истеъмол ва ялпи жамғариш) учун ишлаб чиқарилган товарлар қиймати ва давлат бюджети, давлат мақсадли ва махсус бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар (УХХКНТ) нинг маблағлари ҳисобидан жамоат ва якка тартибдаги хизматлар ишлаб чиқаришга кетган жорий харажатларнинг умумий қиймати билан ўлчанади. Ушбу кўрсаткич қийматнинг такрорий ҳисобини ўз ичига олади, чунки уни ҳисоблашда ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган товарлар ва хизматларнинг қиймати чиқариб ташланмайди.

13. Ишлаб чиқариш маҳсулотлар ишлаб чиқарилган вақтда қайд этилади. Баҳолаш усулларидаги фарқларни инобатга олиб, ишлаб чиқаришнинг қуйидаги турлари фарқланади: бозор учун ишлаб чиқариш, нобозор ишлаб чиқариш ва ўзининг якуний истеъмоли учун ишлаб чиқариш.

14. Бозор учун ишлаб чиқариш асосий нархларда баҳоланади ва қуйидагиларнинг қийматини ўз ичига олади:

иқтисодий аҳамиятга эга нархларда сотиладиган товарлар ва хизматлар;

бошқа товарлар, хизматлар ёки активларга бартер усулида айирбошланадиган товарлар ва хизматлар;

иш берувчилар томонидан ўз ходимларига натура шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш сифатида бериладиган товарлар ва хизматлар;

корхонанинг бирор бўлинмаси томонидан ишлаб чиқарилган ва ушбу корхонанинг бошқа бўлинмасига жорий даврда ёки келгусида ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун жўнатилган товарлар ёки хизматлар (масалан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган уруғ ва ем-хашак; конларда кўмир брикетларини ишлаб чиқаришда ишлатилган кўмир; хўжалик усулида қурилиш учун ишлатилган материаллар; ёрдамчи хўжаликлар томонидан корхонага тегишли бўлган ошхоналарга, болалар муассасаларига, дам олиш уйларига берилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар);

ишлаб чиқарувчининг моддий айланма воситалари захираларига келиб тушувчи ва бозор истеъмоли, яъни юқорида айтиб ўтилган мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш.

15. Нобозор ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришга кетган жорий харажатлар бўйича баҳоланади ва давлат бюджети муассасалари ҳамда уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар томонидан бепул ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган нархларда тақдим этиладиган якка тартибдаги характерга эга бўлган товарлар ва хизматлар (бепул таълим ва тиббий хизматлар кўрсатиш) ёки ишлаб чиқарилиши давлат томонидан ташкил қилинадиган ва давлат бюджетидан молиялаштириладиган бутун жамиятга бепул кўрсатиладиган жамоавий хизматлар (давлат бошқаруви органларининг хизматлари, муҳофаа ва бошқалар) қийматини ўз ичига олади.

16. Ўзининг якуний истеъмоли учун ишлаб чиқариш қуйидагиларнинг қийматини ўз ичига олади:

уй хўжаликлари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган кишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотлар;

ўз уйида яшаш бўйича хизматлар;

ҳақ тўланадиган уй хизматчилари хизматлари;

корхонанинг ўзида келгусида ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун қоладиган, ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган асосий фондлар (асосий капиталнинг ялпи жамғармаси).

17. Ишлаб чиқаришни баҳолаш учун ахборот манбаи бўлиб, ҳар йили тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурида бажарилиши назарда тутилган кенг кўламдаги ахборот ресурслари (иқтисодий фаолият турларининг қисқа муддатли кузатувлари, кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг танланма кузатувлари мажмуи, уй хўжаликлари бюджети кузатувлари, корхоналар ва ташкилотлар харажатларининг таркибий кузатувлари, шунингдек, давлат бюджетининг ижроси тўғрисида, божхона ва солиқ органларининг маъмурий маълумотлари, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг, Марказий банкнинг молиявий кўрсаткичлари ва бошқалар) хизмат қилади.

18. Ишлаб чиқаришни иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 29 июндаги 9-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом”га мувофиқ амалга оширилади.

19. Бозор нархларидаги ишлаб чиқаришни аниқлаш учун асосий нархлардаги ишлаб чиқаришга маҳсулотлар учун соф солиқлар, яъни маҳсулотлар учун субсидияларни чегириб ташлаган ҳолда маҳсулотлар учун солиқлар қиймати қўшилади.

20. Маҳсулотлар учун солиқларга: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва экспорт-импорт операцияларига солиқлар, шу жумладан, божхона тўловлари, давлатнинг экспорт-импорт операцияларидан олган даромадлари ҳамда Давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ўтказиб бериладиган шунга ўхшаш тўловлар киради.

21. Ишлаб чиқариш ва импорт билан боғлиқ бўлган солиқлар товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқарилган, сотилган ёки импорт қилинган пайтда, яъни солиқ тўлаш мажбурияти юзага келганда қайд этилади ва ҳисобланган маблағлар бўйича ҳисобга олинади. Ҳисобланган маблағлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда, Давлат солиқ қўмитасининг ҳақиқатда келиб тушган солиқ тушумлари бўйича ҳисоботи ва Давлат божхона қўмитасининг солиқ тўловлари, шунингдек, Молия вазирлигининг Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботи маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

22. Маҳсулотлар учун субсидиялар Молия вазирлигининг Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботининг харажатлар қисми маълумотларига мувофиқ ҳисобга олинади.

23. Оралиқ истеъмолга товарлар харажатлари ва хизматлар харажатлари киради.

Товарлар харажатларига қуйидагилар киради:

якуний маҳсулотда мужассамлашган хом ашё ва материаллар;

одатдаги технологияга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган материаллар (масалан, синовдан ўтказиш ва сифатни назорат қилишда ишлатилган материаллар; асбоб-ускуналар, бинолар ва бошқа асосий фондларни жорий сақлаб туриш, ишлатиш ва таъмирлаш учун зарур бўладиган материаллар; асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун бутловчи қисмлар; асосий фондлар таркибига киритилмайдиган ускуналар, ўлчаш асбоблари, мосламалар, лаборатория асбоб-ускуналари; иш кийимлари ва пойабзаллари, ходимларнинг махсус озиқ-овқатлари ва арзон баҳоли буюмлар);

корхонада йиғилаётган ярим фабрикатлар ва қисмлар;

барча турдаги энергияни ишлаб чиқаришга, иситишга, ўз ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатадиган транспорт ишларига сарфланган барча турдаги ёқилғи;

корхонанинг технологик ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги энергия; корхонанинг ўзида электр энергияси ва бошқа турдаги энергияларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиб олинган энергияни ўзгартириш ва уни истеъмол қилиш жойига етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар;

қадоқлаш материалларининг соф қиймати (яъни, қадоқлаш материалларини ишлатишдан олинган маблағларни чегирилган ҳолда сотиб олиш қиймати);

моддий ресурсларнинг етишмаслиги билан боғлиқ йўқотишлар;

ходимларнинг керакли асбоблар, иш кийимларига сарфлаган харажатларини қоплаб бериш;

меҳмонхоналар, ресторанлар ва кафелар томонидан озиқ-овқат, тамаки маҳсулотлари ва ичимликларни сотиб олиниши;

корхонанинг маълум бир бўлинмаси томонидан бошқа бўлинмасига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун етказиб берилган товарлар (масалан, қишлоқ хўжалиги корхонасининг

маълум бир бўлинмаси ишлаб чиқарган ва бошқа бўлинмасига истеъмол қилиш учун етказиб берилган уруғлар ва ем-хашаклар).

Хизматлар харажатларига қуйидагилар киради:

бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган ишлаб чиқариш хусусиятига эга ишлар ва хизматлар (хом ашёни қайта ишлаш, таъмирлаш ва транспорт ишлари, хом ашё сифатини текшириш ишларини ўтказиш ва бошқалар);

алоқа хизматларига ва ҳисоблаш марказларига тўловлар;

ўқув муассасаларига ходимларнинг касбий тайёргарлиги билан боғлиқ тўловлар;

соғлиқни сақлаш муассасаларига диспансеризация, вакцинация ва бошқа шу каби хизматлари учун тўловлар;

бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар учун ижара тўловлари;

чиқиндиларни йиғиштириш ва утилизация қилиш каби коммунал хизматларга тўловлар;

юримдик хизматлар учун тўловлар;

реклама ва нусха кўчириш, чипталарни буюртма қилиш каби бошқа тадбиркорлик хизматлари ҳамда касбий бирлашмалар хизматлари учун тўловлар ва бошқалар;

товарларни лицензиялаш ва сертификатлаш тўловлари;

ёнгин хавфсизлиги ва қўриқлаш хизматига тўловлар;

абонентлик хизмати учун тўловлар;

даврий нашрларга обуна бўлиш билан боғлиқ тўловлар;

мутахассисларни хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ транспорт ва меҳмонхона хизматлари, шунингдек, йўл пули (янги иш жойига кўчиб бориш учун бериладиган пул) харажатлари;

молиявий хизматлар учун тўловлар.

24. Молиявий хизматлар учун тўғридан-тўғри отўловлар билан бир қаторда билвосита тарзда ҳисобланадиган молиявий воситачилик хизматлари ҳам оралиқ истеъмолга қўшилади.

25. Товарларнинг оралиқ истеъмоли уларни сотиб олинган вақтида эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган вақтида амалда бўлган сотиб олиш нархларида баҳоланади. Шу сабабли, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича аниқланган оралиқ истеъмолга тузатишлар киритилади. Тузатишлар ишлаб чиқариш захираларини сақлаш даврида нархларнинг ўртача ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда оралиқ истеъмолни қайта баҳолашдан иборат.

26. Оралиқ истеъмолга қуйидагилар киритилмайди:

табiiй хом ашёлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар (минерал хом ашё негизини такрор ҳосил қилишга, ерни рекультивация қилишга ажратмалар, ўсиб турган

жойида сотиладиган дарахтлар учун, сув хўжалиги тизимларидан олинадиган сув учун тўловлар), чунки улар бюджетга тўланадиган тўловларни ифодалайди.

корхона томонидан ўз ходимларига натура кўринишидаги иш ҳақи сифатида бепул ёки пасайтирилган нархларда бериладиган товарлар ва хизматлар, натура кўринишидаги ижтимоий нафақалар, корхона бўлинмалари томонидан ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатиладиган ижтимоий-маданий хизматлар (корхона тасарруфидаги турар жойлар, касалхоналар, мактабгача таълим муассасалари, клублар ва бошқалар) қиймати;

асосий фондларни капитал таъмирлаш ҳаражатлари;

асосий капитал истеъмоли;

асосий фондлар ва ноишлаб чиқариш активларига эгалик ҳуқуқларини бериш билан боғлиқ ҳаражатлар (улар асосий капиталнинг ялпи жамғармасига киритилади);

ердан фойдаланганлик учун ижара тўлови (мулкдан олинадиган даромадларга киритилади);

нефть, табиий газ ва бошқа фойдали қазилма конларини излаш билан боғлиқ геологик қидирув, бурғулаш ишлари ва бошқаларга ҳаражатлар (асосий капиталнинг ялпи жамғармасига киритилади);

мелиорация ва ерларни тозалаш ишлари, ўрмонлар ва боғлар барпо этиш бўйича тайёргарлик ишлари ва шу кабиларни ўз ичига олувчи ерларни яхшилаш ишларига капитал ҳаражатлар (асосий капиталнинг ялпи жамғармасига киритилади);

илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ҳаражатлар, мазкур фаолият эгасига иқтисодий фойда келтирмаслиги аниқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

давлат томонидан захирани тўлдириш учун товарлар сотиб олиниши.

27. Оралик истеъмолни йиллик даврийликда ҳисоблаш корхона ва ташкилотлар ҳаражатларининг таркибий кузатувлари, давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари ва эксперт баҳолашлар асосида амалга оширилади.

28. Иқтисодий фаолият турлари бўйича оралик истеъмолни чораклик даврийликда ҳисоблаш аниқлик киритилган йиллик ҳисоб-китоблар асосида, оралик истеъмолнинг ишлаб чиқаришдаги улушидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

29. Асосий нархлардаги ялпи қўшилган қиймат асосий нархлардаги ишлаб чиқариш ва сотиш нархларидаги оралик истеъмол орасидаги фарқ кўринишида аниқланади. Асосий нархлардаги ялпи қўшилган қийматга маҳсулотлар учун соф солиқлар қийматини қўшиш йўли билан бозор нархларидаги ялпи ички маҳсулот шакллантирилади.

4. Институционал секторлар бўйича ишлаб чиқариш ҳисобини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Номолиявий корпорациялар сектори

30. Номолиявий корпорациялар сектори учта кичик секторлардан иборат:

давлат бошқаруви органлари томонидан молиялаштириладиган ва назорат қилинадиган давлат номолиявий корпорациялари;

давлат бошқаруви органлари ёки хорижий давлатлар томонидан назорат қилинмайдиган миллий хусусий номолиявий корпорациялар;

хорижий давлатлар назорати остидаги номолиявий корпорациялар.

31. Номолиявий секторлар ишлаб чиқариши ушбу секторга алоқадор бўлган корхоналар томонидан ҳисобот даври давомида яратилган товарлар ва хизматлар қийматини ўз ичига олади. Ушбу бирликларнинг ресурслари асосан товарлар ва хизматларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобига шакллантирилади, лекин улар давлат бюджетидан ажратилган субсидиялар ҳисобига харажатларнинг бир қисmini қоплашлари мумкин.

32. Ушбу сектор корхоналари учун икки турдаги ишлаб чиқариш хос:

бозор учун ишлаб чиқариш;

ўзининг якуний истеъмоли учун яратилган ишлаб чиқариш.

33. Номолиявий корпорациялар секторининг бозор учун мўлжалланган ишлаб чиқариши маҳсулот ишлаб чиқарилган даврда кўп учрайдиган бозор нархларидан фойдаланган ҳолда баҳоланади.

34. Ўзининг якуний истеъмоли учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар, худди шундай бозор товарлари ва хизматларининг асосий нархларида баҳоланади. Ўзининг якуний истеъмоли учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга оид тегишли маълумотлар йўқ бўлган ҳолларда, уларни ишлаб чиқаришга қилинган жорий харажатлар йиғиндиси бўйича баҳоланади.

35. Номолиявий корпорациялар сектори ишлаб чиқаришини аниқлаш учун асосий ахборот манбаи бўлиб товарлар, ишлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган, қуйидагилар бўйича алоҳида йиғиладиган давлат статистика кузатуви шакллари маълумотлари ҳисобланади:

йирик тижорат корхоналарини ойлик, чораклик ва йиллик асосида ёппасига кузатув усулида;

кичик корхоналар ва микрофирмаларни йиллик асосида ёппасига кузатув усулида ва чораклик асосида танлама кузатув усулида.

36. Номолиявий корпорациялар секторининг оралиқ истеъмоли корхоналарнинг харажатлари таркибини кузатиш маълумотларига асосланиб махсус ишлаб чиқилган ҳисоб-

китоблар алгоритми асосида йирик тижорат корхоналари ҳамда кичик корхоналар ва микрофирмалар бўйича алоҳида аниқланади.

Молиявий корпорациялар сектори

37. Молиявий корпорациялар сектори бирликлари қуйидаги кичик секторлар бўйича гуруҳланади:

марказий банк;

марказий банкдан ташқари депозитлар қабул қиладиган корпорациялар;

пул бозори фондлари;

нопул бозори инвестицион жамғармалари;

суғурта корпорациялари ва пенсия жамғармаларидан ташқари бошқа молиявий воситачилар;

ёрдамчи молиявий корпорациялар;

кэптив молиявий муассасалар ва судхўрлар;

суғурта корпорациялари;

пенсия жамғармалари.

38. Молиявий корпорациялар сектори ишлаб чиқариши молиявий хизматларни, шу жумладан суғурталаш, қайта суғурталаш ва пенсия жамғармалари фаолиятини, шунингдек молиявий хизматлар доирасидаги фаолиятларни ўз ичига олади. Мазкур сектор, шунингдек, холдинг компаниялари ҳамда трестлар, жамғармалар ва бошқа шу каби молиявий ташкилотлар фаолиятини ўз ичига олади.

39. Суғурта ва пенсия таъминоти хизматларидан ташқари молиявий хизматларни ишлаб чиқариш Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотлари бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади.

40. Марказий банкнинг ишлаб чиқариши жорий харажатлар йиғиндиси бўйича (асосий капитал истеъмолини қўшган ҳолда) баҳоланади.

41. Тижорат банклари ва бошқа молиявий воситачиларнинг хизматлари ишлаб чиқариши қийматига қуйидаги хизмат турлари киритилади:

бевосита (тўғридан-тўғри) тўловлар эвазига кўрсатиладиган молиявий хизматлар;

фоиз тўловлари воситасида тўланадиган молиявий хизматлар.

42. Бевосита тўловлар эвазига кўрсатиладиган молиявий хизматлар ишлаб чиқариши қиймати тўғридан-тўғри йиғимлар ва комисион тўловлар миқдори билан аниқланади.

43. Молиявий воситачилик хизматларига банklar ва молиявий воситачилар сифатида иш юритадиган бошқа молиявий муассасалар томонидан айрим бирликларнинг вақтинча бўш пул маблағларини жамғариши ҳамда уларни фойдаланиш учун бошқа бирликларга бериши

киради. Банклар томонидан пул маблағларини берганлик учун ундириладиган фоизлар улар томонидан жалб қилинган маблағлар учун фоизлар тўловини, шунингдек уларнинг жорий харажатларини қоплашни ва фойда олишни таъминлаши лозим. Ушбу хизматлар қиймати, олинадиган (кредитлар бўйича) ва тўланадиган (депозитлар бўйича) амалдаги фоиз ставкалари билан референт (базис) ставка ўртасидаги тафовут асосида билвосита йўл билан аниқланади.

44. Суғурта ва пенсия таъминоти хизматлари ишлаб чиқариши суғурта ташкилотлари ва нодавлат пенсия жамғармалари хизматларини ўз ичига олади. Молиявий муассасалар секторига киритиладиган ва фақат суғурта компаниялари ҳамда нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини қамраб оладиган суғурта фаолиятини давлат бошқаруви секторининг бир қисми бўлган давлат ижтимоий суғурта жамғармалари фаолиятидан фарқлаш лозим.

45. Суғурта хизматлари ишлаб чиқариши қуйидагича ҳисобланади:

ҳаёт суғуртаси бўйича ишлаб чиқариш суғурта мукофотлари (ҳақиқатда ишлаб топилган) ва қўшимча мукофотларни (суғурта захираларини инвестиция қилишдан олинган даромад) ўз ичига олади ва бундан суғурта товонлари (тўлаш муддати келганлари) ҳамда актуар захиралар ўсиши (фойдада иштирок этиш билан суғурталаш бўйича захираларни қўшган ҳолда) чегириб ташланади;

суғуртанинг бошқа турларини ишлаб чиқариши (ҳаётни суғурталаш ва ижтимоий суғуртадан ташқари) суғурта мукофотларини (ҳақиқатда ишлаб топилган) ва қўшимча мукофотларни (суғурта захираларини инвестиция қилишдан олинган даромад) ўз ичига олади ва бундан тузатишлар киритилган суғурта товонлари (тўлаш муддати келганлари) чегириб ташланади.

46. Умумий ёндашувга мувофиқ, суғурта хизматлари ишлаб чиқаришини ҳисоблашда қайта суғурталаш суғурта мукофотлари ва суғурта тўловлари таркибига киритилади. Резидент суғурта компанияларининг қайта суғурталаш хизматлари ишлаб чиқариши тўғридан-тўғри суғурталашдаги каби усулда ҳисобланади, бу хизматларнинг қиймати эса суғурта компаниясининг оралиқ истеъмолида акс эттирилади. Норезидент компаниялар орқали амалга оширилган қайта суғурталаш операциялари суғурта хизматларининг импорти ва экспорти таркибига киритилади.

47. Нодавлат пенсия жамғармалари ишлаб чиқаришига пенсия бадаллари ва пенсия бадалларини қўйишдан олинган инвестицион даромадлар пенсия тўловлари ва пенсия захираси ўсишини чегириб ташлаган ҳолда киритилади.

48. Молиявий корпорациялар сектори ишлаб чиқаришини ва оралиқ истеъмолини ҳисоблаш учун маълумотлар манбаси бўлиб, Марказий банкнинг маълумотлари, тижорат банкларининг, суғурта ташкилотларининг ва бошқа молиявий муассасаларнинг статистик ҳисоботлари ҳисобланади.

Давлат бошқаруви сектори

49. Давлат бошқаруви сектори қуйидаги резидент институционал бирликлар гуруҳларини ўз ичига олади:

марказий, ҳудудий ёки маҳаллий давлат бошқаруви органлари бирликлари;

давлат бошқаруви органлари томонидан тузилган ва назорат қилинадиган бюджетдан ташқари жамғармалар;

давлат бошқаруви органлари томонидан назорат қилинадиган nobзор нотижорат ташкилотлар.

50. Давлат бошқаруви сектори ишлаб чиқариши давлат томонидан ишлаб чиқариши ташкиллаштириладиган ҳамда давлат бюджетидан ва давлат бюджетдан ташқари жамғармаларидан молиялаштириладиган ва уй хўжаликларига ёки жамиятга тўлиқ бепул ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган нархларда тақдим қилинадиган товарлар ва хизматлар қиймати, шунингдек давлат корхоналари бозор муассасаларининг бозор ишлаб чиқариши қиймати сифатида аниқланади.

51. Давлат бошқаруви сектори ишлаб чиқариши қуйидагиларга бўлинади:

уй хўжаликларига тақдим қилинадиган яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган товарлар ва хизматлар (масалан, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматлари);

бутун жамиятга тақдим қилинадиган жамоавий хизматлар (масалан, давлат бошқаруви, мудофаа хизматлари).

52. Давлат бошқаруви сектори бирликларининг ишлаб чиқаришини баҳолаш асосан, уни ишлаб чиқаришга қилинган қуйидаги жорий харажатлар йиғиндиси бўйича амалга оширилади:

оралиқ истеъмоли;

ёлланма ишчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ;

ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар (ишлаб чиқариш учун бошқа субсидияларни чегириб ташлаган ҳолда);

асосий капитал истеъмоли.

53. Функционал ва иқтисодий таснифлаш моддалари кесимида Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек давлат бюджетдан ташқари жамғармаларининг маълумотлари давлат бошқаруви органлари сектори ишлаб чиқариши ва оралиқ истеъмолини ҳисоблаш учун асосий маълумотлар манбаси бўлиб ҳисобланади.

Уй хўжаликлари сектори

54. Уй хўжаликлари секторидаги ишлаб чиқариш товарлар ва хизматларни бозорда сотиш (бозор учун ишлаб чиқариш) учун қандай бўлса, мазкур уй хўжалиги ичида

фойдаланиш (ўзининг якуний истеъмоли учун ишлаб чиқариш) учун ҳам худди шундай ишлаб чиқарадиган, уй хўжаликларига қарашли бўлган нокорпоратив корхоналар доирасида амалга оширилади.

55. Уй хўжаликлари секторининг ишлаб чиқариш бирликлари қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

ташкilotнинг қуйи даражаси ва фаолиятнинг кичик кўлами;

уй хўжаликлари ёки унинг аъзолари томонидан тузилган, мустақил юридик мақомга эга бўлмаган ишлаб чиқариш бирликлари;

ишлаб чиқариш бирликларига эмас, балки уларнинг эгаларига қарашли бўлган асосий фондлар ва бошқа активлар;

бошқа бирликлар билан битимга ёки бошқа шартнома асосидаги муносабатларга киришолмайдиган ва ўзининг номидан ўзига мажбурият ололмайдиган бирликлар;

ўзининг таваккалчилиги ҳисобига ишлаб чиқариш фаолиятини ташкиллаштирадиган ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мажбурият бўйича шахсан жавоб берадиган хўжайинлар;

шартномада кўрсатилган кафолатга расмий амал қилиш билан эмас, балки тасодифий бандлик ёки қариндошчилик ҳамда шахсий муносабатларга асосланган меҳнат муносабатлари (агар шунақаси мавжуд бўлса);

айрим шахслар ёки оиланинг ҳақ тўланмайдиган аъзолари ёрдамида ёхуд бир ёки бир нечта ҳақ тўланадиган ходимларни жалб қилиш билан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти;

одатда асосий фондлар ишлаб чиқариш ва шахсий мақсадлар учун ишлатилади;

уюшган бозорларга, кредит муассасаларига, замонавий технологияларга, касбий таълимга ва бошқаларга рухсат берилмаслик (ёки кам рухсат берилганлик);

одатда доимий иш жойисиз ёки хўжайинларнинг уйида фаолиятнинг олиб борилиши;

баъзан қонунчилик (масалан, солиқ тўлаш, ижтимоий жамғармаларга ажратмалар, меҳнат тўғрисидаги қонунлар) доирасидан чиқишга мажбур қиладиган ҳолатлар.

56. Уй хўжаликлари секторининг бозор учун ишлаб чиқариши уй хўжаликлари нокорпоратив корхоналарининг бозорда сотиш учун ишлаб чиқарган барча товарлар ва хизматларни қамраб олади. У жорий бозор нархларида баҳоланади.

57. Уй хўжаликлари секторининг ўз якуний истеъмоли учун ишлаб чиқариши фақат мазкур уй хўжаликлари ичида фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган барча товарлар ва баъзи бир хизматларни ўз ичига олади. Бундай хизматларга хусусий турар жойида яшаш бўйича шартли-ҳисобланган қиймат ва ҳақ тўланадиган ёлланма уй хизматчилари томонидан кўрсатиладиган уй хўжалигини юритиш бўйича хизматлар киради. Ўзининг якуний

истеъмоли учун товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш шунга ўхшаш бозор маҳсулотларининг жорий бозор нархларида баҳоланади.

58. Уй хўжаликлари сектори кўрсаткичларини шакллантириш учун ахборот манбаи бўлиб, уй хўжаликлари бюджетини текшириш натижалари маълумотлари, солиқ органларида рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркорларнинг сони ҳақидаги маълумотлар, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, савдо фаолияти, шунингдек транспорт ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни танлама кузатувмаълумотлари ҳисобланади.

Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар (УХХКНТ) сектори

59. УХХКНТ сектори уй хўжаликлари томонидан молиялаштириладиган ва назорат қилинадиган нобозор нотижорат ташкилотларни бирлаштиради. УХХКНТ секторининг асосий вазифаси уй хўжаликларига нобозор хизматлар ва товарларни тақдим этиш ҳисобланади. Бунда, харажатлар УХХКНТ аъзоларининг бадаллари, совғалар, ҳомийлик ёрдамлари, мулкдан олинадиган даромадлар ҳисобидан қопланади.

60. УХХКНТга жамоат ва диний ташкилотлар, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, касбий ва илмий жамиятлар, истеъмолчилар жамияти, спорт ва маданий клублар, дам олиш клублари ва бошқалар киради.

61. Шунингдек, УХХКНТ сектори таркибига ўз ходимларига бепул ёки деярли бепул хизматлар кўрсатадиган ва ўзининг харажатларини асосан корхона фойдасидан ажратмалар ҳисобидан молиялаштирадиган корхонанинг нобозор бўлинмалари (дам олиш уйлари, поликлиникалар, болалар боғчалари, маданият уйлари, клублар ва бошқалар) киради.

62. Агар жамоат ташкилотларининг фаолияти давлат бошқаруви органлари томонидан назорат қилинса ва асосан, молиялаштирилса, у ҳолда улар давлат бошқаруви секторига тегишли бўлади.

63. УХХКНТ сектори ишлаб чиқариши асосан нобозор хизматларни ўзида акс эттиради ҳамда ишлаб чиқариш учун жорий харажатлар йиғиндиси сифатида аниқланадиган қуйидаги харажатларни ўз ичига олади:

оралиқ истеъмол;

ёлланма ишчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ;

ишлаб чиқариш учун бошқа солиқлар (ишлаб чиқариш учун бошқа субсидияларни чегириб ташлаган ҳолда);

асосий капитал истеъмоли.

64. УХХКНТ сектори кўрсаткичларини шакллантириш учун ахборот манбаи бўлиб, нотижорат ташкилотларнинг молиявий ҳолати ва уларни пул маблағларидан фойдаланиши тўғрисидаги давлат статистика ҳисоботи маълумотлари ҳисобланади.

5. Якуний қоидалар

65. Ишлаб чиқариш ҳисоби товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини, унинг тузилишини, унда оралиқ истеъмол ва ялпи қўшилган қийматнинг ҳиссасини таҳлил қилиш, шунингдек мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида айрим тармоқлар ва институционал соҳаларнинг улушини аниқлаш имконини беради. Мазкур ҳисоб фақат иқтисодий мазмуни нуқтаи назаридан ҳал қилувчигина эмас, энг кўп меҳнат талаб қиладиган ҳам ҳисобланади. Унинг тузилиши товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳақидаги, уларни ишлаб чиқариш учун қилинадиган харажатлар ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича кўп сонли ишлар мажмуини амалга ошириш заруратини тақозо қилади.

66. Ишлаб чиқариш ҳисобининг мувозанатловчи моддаси – ялпи қўшилган қиймат (ёки ЯИМ, агар ҳисоб бутун иқтисодиёт бўйича тузилса) даромадларнинг шаклланиши ҳисобининг ресурслар қисмига ўтказилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Миллий ҳисоблар тизими – 2008, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа комиссияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Халқаро валюта фонди ва Бутунжаҳон банки, 2009 й.;
2. European system of accounts – 2010, Eurostat, 2013г.;
3. Номолиявий корхоналар сектори учун МҲТ ҳисобларини тузишда кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва ахборот манбалари, МДХ Статистика Қўмитаси, 2001 й.
4. Молиявий муассасалар сектори учун МҲТ ҳисобларини тузишда кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва ахборот манбалари, МДХ Статистика Қўмитаси, 2002 й.
5. Давлат бошқаруви сектори учун МҲТ ҳисобларини тузишда кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва ахборот манбалари, МДХ Статистика Қўмитаси, 2003 й.
6. Уй хўжалиги сектори учун МҲТ ҳисобларини тузишда кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва ахборот манбалари, МДХ Статистика Қўмитаси, 2004 й.
7. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар сектори учун МҲТ ҳисобларини тузишда кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва ахборот манбалари, МДХ Статистика Қўмитаси, 2003 й.
8. Статистик терминлар энциклопедияси, Росстат, 2011й.

Ишлаб чиқариш ҳисобини шакллантириш
бўйича Услубий низомга
1-илова

Ишлаб чиқариш жамлама ҳисобини шакллантириш схемаси

Ишлатилиши	Ресурслар
4. Оралиқ истеъмол 5. Бозор нархларидаги ялпи ички маҳсулот (1 + 2 - 3 - 4)	1. Асосий нархлардаги ишлаб чиқариш 2. Маҳсулотлар учун солиқлар 3. Маҳсулотлар учун субсидиялар
Жами(4 + 5)	Жами (1 + 2 - 3)

Ишлаб чиқариш ҳисобини шакллантириш
бўйича Услубий низомга
2-илова

**Иқтисодиётнинг институционал секторлари бўйича ишлаб чиқариш
ҳисобини шакллантириш схемаси**

жорий нархларда, млн. сўм

Ишлатилиши						Операциялар ва мувозанатлов чи моддалар	Ресурслар					
жами	уй хўжаликлар ига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотла р	уй хўжаликл ари	давлат бошқаруви	молиявий корпорац иялар	номолияви й корпораци ялар		номолияви й корпораци ялар	молиявий корпорац иялар	давлат бошқаруви	уй хўжаликл ари	уй хўжаликлар ига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотла р	жами
						Ишлаб чиқариш	*	*	*	*	*	*
*	*	*	*	*	*	Оралик истеъмол						
*						Маҳсулотлар учун солиқлар						
*						Маҳсулотлар учун субсидиялар (-)						
*	*	*	*	*	*	Ялпи қўшилган қиймат						
*						Ялпи ички маҳсулот						

* Ушбу операциялар учун ёзув киритилиши мумкин

Ишлаб чиқариш ҳисобини шакллантириш
бўйича Услубий низомга
3-илова

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳисобини
шакллантириш схемаси**

жорий нархларда, млн. сўм

ИФУТ-2 секциялар коди	Иқтисодий фаолият турлари	Ресурслар	Ишлатилиши	
		асосий нархлардаги ишлаб чиқариш	оралиқ истеъмол	ялпи қўшилган қиймат
A	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги			
B	Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш			
C	Ишлаб чиқарадиган саноат			
D	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
E	Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш			
F	Қурилиш			
G	Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш			
H	Ташиш ва сақлаш			
I	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар			
J	Ахборот ва алоқа			
K	Молиявий ва суғурта фаолияти			
L	Кўчмас мулк билан операциялар			
M	Профессional, илмий ва техник фаолият			
N	Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш			
O	Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот			
P	Таълим			
Q	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш			
R	Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш			
S	Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш			
	Итого по видам экономической деятельности Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами			

Ишлаб чиқариш ҳисобини шакллантириш
бўйича Услубий низомга
4-илова

**Ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол ва ялпи қўшилган қийматни иқтисодий фаолият турлари ва институционал секторлар
бўйича ажратган ҳолда кесишган тартибда гуруҳлаш**

жорий нархларда, млн. сўм

ИФУТ-2 секциялар коди	Институционал секторлар Иқтисодий фаолият турлари	Номолиявий корпорациял ар	Молиявий корпорациял ар	Давлат бошқаруви	Уй хўжаликла ри	Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар	Барча институционал секторлар бўйича жами
A	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги						
B	Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш						
C	Ишлаб чиқарадиган саноат						
D	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш						
E	Сув билан таъминлаш; канализация tizими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш						
F	Қурилиш						
G	Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш						
H	Ташиш ва сақлаш						
I	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар						
J	Ахборот ва алоқа						
K	Молиявий ва сугурта фаолияти						
L	Кўчмас мулк билан операциялар						

ИФУТ-2 секциялар коди	Институционал секторлар	Нолиявий корпорациял ар	Молиявий корпорациял ар	Давлат бошқаруви	Уй хўжаликла ри	Уй хўжаликлариға хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкilotлар	Барча институционал секторлар бўйича жами
	Иқтисодий фаолият турлари						
M	Профессионал, илмий ва техник фаолият						
N	Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш						
O	Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот						
P	Таълим						
Q	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш						
R	Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш						
S	Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш						
	Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами						